

????? ?????????? ?????????????????? ?????? ??????????????????

????? ??????????»». ?????????? ?????? ??????????».

Абу Молик Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Киши уйига кирганда «Аллоҳумма! Иннии ас-алука хойрол мавлажи ва хойрол махрожи. Бисмиллаҳи валажнаа ва бисмиллаҳи хорожнаа ва ʔалаллооҳи роббинаа таваккалнаа», десин. Сўнгра аҳлига салом берсин», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан яхши кириш ва яхши чиқишни сўрайман. Аллоҳнинг исми ила кирдик. Аллоҳнинг исми ила чикдик. Роббимиз Аллоҳга таваккул қилдик».

Таомни еб бўлгандан сўнг Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, дуо қилади.

????????????????? ??????????????: ?????? ?????????????????? ???

????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????? ?????????????????? ??????:

«????????????? ?????????? ?????????? ??????????????????

????????????????? ?????????????????? ??????????????????».

«Сунан» соҳибларининг ривоятида:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон ўз таомларидан фориф бўлсалар, «Алҳамду лиллааҳиллазии атъаманаа ва сақоонаа ва жаъаланаа муслимийн», дер эдилар», дейилган.

Дуонинг маъноси: «Бизни таомлантирган, сероблантирган ва мусулмон қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин».

«Нақшбандия: вазифалар, зикрлар» китобидан